



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 14 декабр, сешанба № 198 (1831)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармонига қўра фуқаролар йиғинларининг тарбия бўйича маслаҳатчилари вазифаларига эл орасида хурмат-эътибор топган, катта ҳаёт тажрибасига эга, энг яхши миллий аъяна ва урф-одатларимизни ёшлар қалбига сингдира олишга қодир фаол аёлларни жалб этиш вазифаси қўйилган эди.

Кашқадарё вилоятида 525 та ўзини-ўзи бошқарув органлари бўлиб, уларнинг деярли ҳаммасида маънавий-ахлоқий тарбия масалалари билан шуғулланган маслаҳатчилар фаолият кўрсатяпти. Мазкур Фармон ихросини тўла таъминлаш мақсадида 2004-2005 йилларга мўлжалланган махсус дастур ишлаб чиқилди. Вилоят хотин-қизлар кўмитаси, ички ишлар бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлими кенгаши билан ҳамкорликда тузилган тадбирлар мажмуасида кишлоқ ва маҳаллаларда маънавий-психологик вазиятни мўътадиллаштиришга қаратилган аниқ режалар белгиланган.

МАҲАЛЛА АЁЛЛАРИ

«Маҳалла зиёси» ўқув-услубий маркази машғулотларида маслаҳатчилар фаол қатнашиб, ўзларининг асосий вазифаларини нимадан иборат эканлиги, иш услублари, ҳудудларда умуминсоний, миллий қадриятларни тарғиб этувчи турли маърифий-маънавий тадбирлар, тўй-ҳашамларни ўтказиш тадбирлари, жойлардаги профилактика инспекторлари, маҳалла раҳбарлари билан ҳамкорликда қўқубзарликлар, жиний ҳати-харақатларнинг олдини олиш чора-тадбирлари ҳақида тушунчалар бериб берилаёпти.

Бир Фармон шарофати

яшаётган паландаралик аёллар ҳақида доимо фахр билан гапириш мумкин. Ҳўжаликдаги 68 нафар фермернинг 14 таси хотин-қизлар. Ана шундай тадбиркорлардан бири Ойдин Мирзаеванинг боғларида етиштирилган олма, олхўри, узум ва бошқа мева-чеваларни тановул қилсангиз, озингизда боли қолади.

Ижарачи Маликахон Сатторова етти йил муқаддам 50 сотих ерни ижарага олиб, узум етиштира бошлаган эди. Биргина жорий йилнинг ўзида томорқадан 3,5 миллион сўм соф фойда олинди. Лали ерда узумчилик билан шуғулланган Назоқатхон Бобоева, Мавлуда Раҳимова, Малоҳат Эшонқулова, Анорой Элмирова, Малика Сатторова сингари ижарачиларнинг ҳар бири ўзларига бир қилган ердан йилга 4 миллион сўмгача соф фойда олишяпти.

Ҳўжаликдаги мавжуд 380 гектар ҳосилдор тоқнинг 201 гектари 227 кишига шартнома асосида ижарага берилган. Уларнинг 103 нафари хотин-қизлардир. Ҳўжалик ташаббуси билан узумчиликни ривожлантириш, тоқзорлар барпо этиш орқали янги иш ўринлари яратишга эътибор қўйилган. Хар бир оилга лали майдонлардан ярим гектардан ер берилиб, тоқзорлар барпо этиляпти. Жорий йилнинг ўтган ойларида 560 та деҳқон ҳўжаликлари ташкил этилган бўлса, уларнинг 93 тасига хотин-қизлар бошчилик қилишяпти.

Чегара қўшинлари аскарлари ҳақида доимо фахр билан гапириш мумкин, совга-салом улашилди. Паландарада фидойи ва оқила аёллар талайгина. Мактаб директорлари Саитой Эшова, Сайёра Боқиева, боғча мудираси Турсунтош Раҳматова, ўқитувчилар Мухаббат Очилова, Саодат Шукурова, Зулфия Рўзиева, болалар шифокори Саида Қудратова, қўли енгил ҳамширалар Хадича Гусейнова, Клара Мухитдинова, ҳўжалик хотин-қизлар кенгаши раисаси Руқия Уринова бошчилигида оилаларда тиббий ва ҳўқуқий маданиятни ошириш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, ўсим қизлар репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида жонқурлик кўрсатишяпти.

Ҳўқаролар йиғинида хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимида ишлаётган Муаззам Турдиева ҳамқишлоқлари қалбидан мустаҳкам ўрин олган. Унинг оилалар ва меҳнат жамоаларидаги ёшлар тарбиясига бағишланган дилтортар сўхбатига иштирокчиларда катта таассурот уйғотди.

Кишлоқ ва маҳалла аёллари ўртасида кенг қўламдаги маданий-маърифий тадбирлар воҳанинг Шаҳрисабз, Яқабоб, Нишон, Ғузур, Косон, Касби туманларида ҳам уюшқоқлик билан ўтказилаёпти. «Умид», «Наҳот», «Келажак» сингари нодавлат, нотижорат ташкилотлари, Америка Қўшма Штатларининг маҳалла ҳаракатини сармоялаш, Франциянинг техник ҳамкорлик ва Тараққиёт дастурлари, шунингдек «Нуроний», «Наврўз», «Соғлом авлод учун» жамғармалари билан ҳамкорликда олиб борилаётган ташкилий-тарбиявий ишлар хотин-қизларнинг меҳнат ва турмушдаги фаоллигини кўнчайтириш имкониятини бермоқда.

Гулчехра БОБОЖОНОВА, «Маҳалла» жамғармасининг Кашқадарё вилоят бўлими раиси



Шу кунларда Хоразм вилоятининг барча сайлов участкаларида ҳам тарғибот ишлари намунали олиб борилмоқда. Хусусан, Хива шаҳридаги Хива педагогика коллежи қошида фаолият юритаётган 209-«Мевастон» сайлов клуби ташкил этилиб, бу ерда илк бор сайловда қатнашаётган ёшлар билан машғулотлар уюштирилмоқда.

Клубда сайловни кўнгилдаги-дек ўтказиш учун барча шароит яратилган. Компьютер ва бошқа алоқа воситалари мунтазам ишлаб турибди.

Суратларда: Хивадаги «Мевастон» сайлов участкаларининг бир гуруҳ тарғиботчилари.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига доир сайлов бюллетени ва сайлов варақаси намуналарини тасдиқлаш тўғрисида

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига доир сайлов бюллетени ва сайлов варақаси намуналарини тасдиқлаш тўғрисида»

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига доир сайлов бюллетени ва сайлов варақаси намуналарини тасдиқлаш тўғрисида:

2. Белгилаб қўйилсинки: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига доир сайлов бюллетени ва сайлов варақаси намуналарини тасдиқлаш тўғрисида:

а) сайлов бюллетени ва сайлов варақасининг номланиши;

б) сайлов округининг номланиши;

в) сайлов ўтказиш санаси;

г) депутатликка номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми;

д) депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи;

е) сайлов бюллетени, сайлов варақасининг пастки қисмида катта ҳарфлар билан жойлаштирилган уларни тўлдирish тартиби бўйича тушунтириш; ҳар бир номзод ҳақидаги маълумотлар бошқа номзод маълумотларидан тўқ қалин чизик билан ажратилган бўлиши керак;

с) сайлов бюллетенлари ва сайлов варақалари фақат округ сайлов комиссияларининг қарори бўйича ҳамда кузатиш остида сайлов ҳужжатларини тайёрлаш учун техник жиҳатдан жиҳозланган матбаа ташкилотларида тайёрланади;

(Давоми 3-бетда)

«Шухрат» медали соҳиблари

ҲАЁТ ЗИЙНАТИ

Гулнора ўрта мактабни тугатган товукбоқарлик қилиш истагини билдирди. Цех бошлиғи Убайдулла Жонузоқов фабрикада уни илик қарши олди. Гулноранинг аввалдан товукбоқарликда кўзи пишиб қолганини ҳисобга олиб, мустақил ишга қабул қилди. Унга 10 минг бош товукни парваришлаш топширилди.

Ёш товукбоқар дастлаб ишни паррандалар боқилаётган хоналарни тартибга келтиришдан бошлади. Озуқа жадвалига риоя қилгани холда жониворларни қайси вақтда нима билан озиклантириш бўйича график тузиб чиқди. Шунингдек, соҳага доир турли адабиётларни, машҳур товукбоқарлар ҳақидаги мақолаларни кўн билан ўқиб-ўрганди. Илгор иш тажрибаларини ўзлаштириш йўлида тинимсиз изланди.

мади. Боқимидаги товуклардан бир кунда ўрта ҳисобда режадаги 6 минг ўрнига 6500 тадан тухум олишга эришди. Энг муҳими, паррандалар нобуд бўлишига йўл қўйилмади. Кунларнинг бирида цех бошлиғи У.Жонузоқов ўз хузурига чақириб, уни инкубация учун тухум ишлаб чиқарадиган бригадага ўтказиш фикрида эканлигини айтди. Кейин эса қўшимча қилди: «Бу биргина менинг эмас, балки кўпчиликнинг фикри».

Гулнора кўни бўйи тишиб-тинчимас, базиди тиш вақтининг қандай тугаб қолганини ҳам пайқамас эди. Ишдан кейин эса бармоқлари оғрир эди. Шундагина у товукбоқарлик осон иш эмаслигини, бу катта захматли меҳнат ва катта масъулият талаб этишини англади. Ёш товукбоқар Гулнора Болтабоева учун 2000 йил осон бўлмади. Йил куруқ келиб, товукбоқарларга ҳам кўп ташвиш келтирди. Ушанда устози Ғулбаҳор Пардаева унинг жонига оро кирди. Ундан йил қийин келганда тадбиркорлик ва бой тажрибаларни ишга солишни ўрганди. Товукларга бериладиган комбикормнинг камчилиги туфайли кўпроқ беда уни ва майдаланган суяк билан парваришлади. Уша йили унинг меҳнатлари зов кет-

тиридан ўрта ҳисобда 230 тадан тухум олишга эришди. Ойлик ва қаратил режалари ортиги билан уддаланди. Бунда бригадининг илгор паррандабоқарлари - Роҳатой Тожибоева, Пардаҳол Юсупова, Ўткир Эшбоев, соловчи Дилшод Маматқулов, монтер Кўшбоқ Зарипов сингарилар ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. «Акцияерлик жамияти аъзолари фақат ишда илгор бўлиб қолмасдан жамоат ишларида ҳам фаол ва ташаббускордирлар, дейди касаба уюшма кўмитаси раиси Х.Файзуллоев. «Уларнинг ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида кўлга киритган ютуқлари мактовга лойиқдир».

Ҳақиқатан ҳам бу ерда ободонлаштириш, йўллари созулаш, муҳтож оилаларга меҳр-мурувват кўрсатиш каби савобли ишларни амалга ошириш яхши аъянага айланган. Биргина бу йилги умумхалқ ҳашарида 8 минг томондан ўтказилган 9 минг тугдан зинд тол, тирак каби манзарали дархат кўчатлари кўкка буй чўмоқда. Йилдан-йилга боғ-роғлар кенгайтирилмоқда. Жиззах вилоят «Галларолларанда» акцияерлик жамиятининг илгор товукбоқари Гулнора Болтабоевнинг меҳнатлари муносиб тақдирланди. Яқинда у вилоят агроноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кўмитасининг фахрий ўрлиги ва қимматбаҳо совғаси билан тақдирланди.



Гулнора Болтабоева (оғра) «Шухрат» медали соҳиблари билан.

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА ЙИҒИЛИШИ

Кашқадарё вилоят ҳўқимлигида Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик қилиш ва ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди. Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов бошқарди. Юбилей муносабати билан шаҳарда кўпқаб маданий-маиший ишоотлар барпо этилмоқда, кўчалар, хиёбон ва майдонлар ободонлаштирилляпти. Хусусан, шаҳарнинг бош майдони ўзгача чирой касб этмоқда. «Одина» марказида таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Қурилиши жадал давом этаётган иккита кўпқаватли уйни эса келгуси йилнинг биринчи чорагида фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Бундай хайрли ишларни амалга оширишда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 сентябрда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик қилиш тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Йиғилишда юбилей объектлари жадвалига кирган ишоотларни лойиҳалаш ва қуриш ишларини тезлаштириш борасидаги вазифалар белгилаб олинди.



Суратларда: «Ҳўсил байрами»дан лавҳалар. Р.ЖУМАНИЕЗОВ (ЎЗА) олган суратлар

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясига бирлашган касабаси уюшмалари ўз аъзолари, меҳнат-кашлар ва уларнинг оила аъзоларини иқтисодий, ижтимоий, меҳнат ҳамда интеллектуал ҳуқуқ ҳамда манфаатларини йўқалтирган ҳамда химия килувчи ташкилотдир. Айни пайтда мана шу муҳим вазифа қандай бажарилмоқда? Тошкент шаҳар кичик бизнес, матбуот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касабаси уюшма кўмитасининг навбатдаги ҳисобот-сўйллов конференциясида мана шу масала атрофида муҳокама этилди. Шаҳар касабаси уюшма кўмитаси Ўзбекистоннинг асосий қонуни - Конституция, касабаси уюшмалари Федерациясига бирлашган касабаси уюшмалари Дастури, бир қатор қонун ва қарорлар ҳамда Президентимизнинг йўл-йўриқлари асосида иш кўрди.

Ҳисобот-сўйлловлар

ланди. Сергели туманидаги «Омон» шубба корхонаси эса ўз ходимларининг болалар босчаси учун тўловларини амалга оширди. Собир Раҳимов туманидаги «ЎзРос-Олийгоҳ» қўшма корхонаси ўз ходимларининг бепул тиббий кўриқдан ўтишларини таъминлаб келмоқда.

Мана шу каби тадбирларни амалга ошираётган қўшма корхоналардан яна бири

дорида моддий ёрдам кўрсатилди. Шу жумладан, кам таъминланган оила фарзандларига 5,5 миллион сўмлик дарслик ва ўқув қуроллари олиб берилди. Жорий йилнинг ўзига 2867 нафар кишига 21 миллион 600 минг сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилди.

Яна бир муҳим вазифа меҳнаткашларга кўнгилдагидек, хавфсиз иш шартини яратиб беришдир. Ҳисобот даврида мана шу тадбирлар учун 28 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Лекин шунга қарамай ҳамон бахтсиз ҳодисалар учрапти. Шулардан бири «Баракат Альфа» қўшма корхонасида ходимнинг эҳтиётсизлиги туфайли бир киши ҳаётдан кўз юмди, иккинчиси эса оғир тан жароҳати олди. Қўшма корхона маъмурияти ишлаб чиқаришда жароҳатланган кишига дори-дармон учун 1 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Марҳумнинг оиласи эса кам таъминланганлиги ҳисобга олиниб, 2 хоналик уй олиб берилди. Агар мазкур корхонада бу ишга мутасадди шахслар фаолиятларида изчиллик бўлганда, бир киши жароҳат олмас, иккинчи киши эса ҳаётдан бевақт кўз юмаган бўларди.

Юқоридаги воқеаларни ҳисобга олиб кенгаш томонида бир ярим йил мобайнида ҳуқуқий ва меҳнат масалалари бўйича 11 та семинар ўтказилди. Мана шундан кейингина бошланғич ташкилотларнинг бу борадаги фаолиятлари сезиларли даражада ошди. Ҳисобот даврида шаҳар кенгаш ходимлари жойларга бориб 21 та шикоятни текширишди. Уларнинг деярли ҳаммаси ўзининг ижобий ечимини топди.

Неъмат РАФИҚОВ, «Ишонч» мухбири

Самарқанд вилоят «Ёшлар маркази»да «Инвестициялар - мамлакат иқтисодиёти ва хусусий бизнесни ривожлантириш кафолатидир» мавзусида минтақавий семинар бўлиб ўтди.

Қатор вилоятлардан ташриф буюрган корхоналар раҳбарлари ва ишбилармонлар иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш, бу борада учраётган муаммоларнинг олдини олиш, сармоа эвазига корхоналарни чет элда ишлаб чиқарилган янги технологиялар билан таъминлаш масалалари бўйича ўзаро баҳс юритдилар.

Семинар қатнашчилари Самарқанд туманидаги «Агро-Мир» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси ҳамда маҳаллий сармоадор-



БУ АЖОЙИБ МАРМАРЛАР

Хисор тоғи бағридаги Хонкиза қони фақат нодир металлари билан эмас, қурлишбоп материаллари, мрамари билан ҳам машҳур.

Сариқсий туманида иш бошлаган «Ботиржон» хусусий қурилиш корхонаси Хонкиза мрамарини қайта ишлаш билан шуғулланмоқда. Истеъмолчиларга турли ҳажмдаги мрамар плиталар етказиб бериляпти. Корхонада қунига юз квадрат-метрга яқин плита тайёрланади. Маҳсулот сифати харидорларга маъқул бўлмоқда.

(ЎЗА)

ИШГА ИЖОДИЙ ЁНДОШИЛСА

масала жойида ҳал бўлади

қўриб чиқилмоқда.

Кўпчилик касабаси уюшма ташкилотлари маъмурият билан тенг ҳуқуқлилик асосида ижтимоий шерикчилик муносабатларини шакллантирганлар. Меҳнатга ҳақ тўлаш, иш шартини яхшилаш, ишлаб чиқариш хавфсизлигини таъминлаш, меҳнаткашларни соғломлаштириш ва бошқа долзарб масалаларни ҳал этишда жамоа шартномалари кўл келмоқда. Кўпгина корхоналарда бепул тиббий хизмат қўриштириш, даволанишлари учун дори-дармонларга маблағ ажратиш, қўшма таътил пули, моддий ёрдам кўрсатиш каби бир қатор имтиёزلарнинг ишчи-хизматчилар фойдаланиши мумкин. Масалан, «Тошкент университетга» супермаркети очик акциядорлик савдо ишлаб чиқариш жамияти жорий йилнинг 9 ойида мана шундай тадбирлар учун 3,6 миллион сўм ажратди. Юнусобод туманидаги «Виктория» хусусий фирмаси, Чилонзор туманидаги «Наврўз-Хосилол» масъулияти чекланган жамиятда ходимлар сонини қисқартирилганда ҳафтасига 2 иш кунидан иш қидириш учун фойдаланиш ҳуқуқи белги-

Сергели туманидаги «Звено» масъулияти чекланган жамиятидир. Ҳисобот даврида мазкур корхона ҳар бир ходимига ўрта ҳисобда 92,5 минг сўмдан қўшимча ҳақ тўлади. Кишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун 1 миллион 900 минг сўм ажратди. Сихаттоҳларга йўлланманинг 40 фоизи хўжалик ҳисобидан қопланмоқда. Худди шундай ҳолатни «Тошкент-Тола» масъулияти чекланган жамиятда ҳам кўриш мумкин. Мазкур жамоада меҳнаткашлар соғломлаштирилмаган спорт залини таъмирлаб, тренажёрлар ўрнатилган ўзи учун 6 миллион сўм сарфланди.

Мана шундай муваффақиятнинг бош сабаби раёсат ҳамда комиссия йиғилишларида шартномада тузилган жамоа шартномалари ва битимларнинг бажарилиши ва уларнинг яқини пешма-пеш куриб чиқилганлигидир.

«Меҳр ва мурувват йили»да ишохотлар янада чуқурлашди. Шу муносабат билан шаҳар тармоқ касабаси уюшма кенгаши томонидан аниқ тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Ҳисобот даврида кам таъминланганларга 31 миллион 408 минг сўм миқ-



лар улуши билан ташкил этилган «Стеклопластик» очик турдаги акциядорлик жамияти фаолияти билан танишдилар.

Суратларда: семинар-дан лавҳалар.

Т.НОРҚУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар

Ижтимоий ҳимоя

«Гигант» Мингбулоқ туманидаги илк ташкил топган хўжалиқлардан. Экин май-донларининг бир чети дучқилқул массивига тутатиб кетган бўлиб, айрим бригадалар марказдан 20-25 чакирим олиса. Ҳар қарич ер ҳисобда. Шундай шароитда ўн бир кишидан ташкил топган хўжаликда ишловчиларнинг турмуш жойга бўлган эҳтиёжини таъминлаш, умуман, ижтимоий ҳимоялаш масаласига катта эътибор берилмоқда.

ТУРАР ЖОЙ УЧУН УЧАСТКАЛАР

Кўғали кишлоғида яшовчи, қирқ йилдан ортиқ сувчилик қилган Абдурахмон ота Султоновдан турар жой қуриш учун ер участкаси берилиши сўраб ариза тушганди, - дейди биз билан сўхбатда хўжалик касабаси уюшма кўмитаси раиси Абдуҷаббор Мирзақаримов. - Мазмурият ушбу ҳужжатни қўриб чиқиш учун кўмитамизга чиқарди. Ҳақиқатан, Абдуҷаббор аканинг тўрт ўғли, уч қизи бўлиб, ағилларнинг уч нафарини уйлаган. Наҳажада ҳовлиси торлик қилиб қолган. Шунинг учун А.Султоновнинг талаби асосли, деган қарорга келдик.

Аслида Абдурахмон аканинг аризаси шу мазмундаги хатларнинг яғнаси эмас.

Дарҳақиқат, хўжаликда шу йилнинг ўзига 290 кишига ер участкалари ажратиб берилди. Наҳажада, улар алоҳида ҳовлиларда яшаб, томорқаларида деҳқончилик қилиб, турмуш шартини яхшилаш имкониятига эга бўлдилар.

Хўжаликда 250 та кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилалар ва қариёлар мавжуд. Бошқарув ва касабаси уюшма кўмитаси ҳамкорликда уларнинг турмуш шартини яхшилаш чораларини кўриб келмоқдалар.

Хўжалик фаолияти, ишлаб чиқариш натижалари билан танишсангиз, жамоанинг катта муваффақиятларга эришганлигига ишонч ҳосил қиласиз. Масалан, шу йил 1500 гектар майдонда пахтадан деҳқончилик қилинди ва туманда биринчи бўлиб, йиллик марра эгалланди. Қосимжон Қодиров, Жалолиддин Абдуллаев, Камолитдин Тўраев ва Мухаммадхон Эгамбердиев бошлиқ бригадаларда 30-35 центнердан

хирмон кўтарилди. Фаллачилик бўйича эришилган ютуқлар ҳам чакки бўлмади. Бу борада оила пудрати кўл келмаётганини таъкидлаш жоиз. Бу йил 100 та оила ана шундай ишлаб чиқариш шаклида фаолият кўрсатди. 1719 гектар майдонга дон экилиб, бу борада ҳам туманда пешқадамлик қилинди. 4 минг тонна галла йиғиштириб олинди, топшириқ 105 фоизга адо этилди. Бунёд Ўришев, Жуманазар Хоназаров, Абдурусул Нурматовлар раҳбарлик қилган бригадаларда эса 60 центнерлик марра забт этилди. Унинг 2400 тоннаси давлатга сотилди. 1600 тоннаси эса ишлаётганларга бўлиб берилди. Умуман дончилик билан шуғулланган ҳар бир пудратчи оиласи галлачиликдан катта наф қўрди. Бундан ташқари, кишлоқларда яшовчи барча хонадонга дон кирди. Ёлғиз қариёларга хўжалик ҳисобидан бепул, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга эса имтиёзли нарҳларда бўлғой етказиб берилди.

Экинлардан мўл ҳосил олинганлиги ишловчилар белини бақувват қилмоқда. Фақат пахтачиликнинг ўзидан 400 миллион сўм даромад олиниши кутилмоқда. Фаллачиликдан келадиган 50 миллион сўмлик даромад унга қўшилиди.

Хўжалик марду майдонлари турмуш шартини яхшилашни биринчи галда ишлаб чиқариш тараққиётида эканлигини яқин тушуниб етмоқдалар. Шу босдан келгуси йил ҳосили учун тайёргарлик авж олдириб юборилди. Белгиланган майдонларга экинланган галла беҳато униб чиқди. Биринчи сўғорди ва озиклантириш ниҳосига етказилди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири

«Ишонч» фойш этади

гайли туманидаги 1- ва 4-фўқаролар йиғинларида ҳам учради. Худудда яшовчи Ойим Атагулованинг йиллик даромади маълумотномада анча камайиб кўрсатилган ва қалбаки ҳужжатлар асосида ҳар ойда 10880 сўмдан нафақа тўлаб берилган.

Амударё туманидаги «Ҳолимбек» фўқаролар йиғинида бола икки ёшга

нуқсонларга йўл қўйгани ва белгиланган қоидаларни бузгани учун 3 та овул фўқаролар йиғини раисларига маъмурий жазо қўлланилди. Улар энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдоридидаги жарима билан «сийланишди». Шунингдек, фўқаролар йиғинлари раислари ва масъул котибларнинг масъулиятсизлиги туфайли кам даромадли оилаларга ёрдам кўрсатишда 93,2 минг, 2 ёшгача болали ишланмайдиган оилаларга 1 миллион 400,9 минг сўм ортиқча тўлаб юборилган маблағлар айбдор шахслар ҳисобидан ундирилди.

Қонун - барчага баробар. Қорақалпоғистон Республикаси молия вазирлиги, Нукус шаҳри, Хўжайли, Кейали, Ёлликкальа, Тахтақўйлар, Тўртқўл, Шуманай, Беруний туманлари молия бўлиmlари ходимларининг савий-ҳаракати билан ҳисоб-китоб ишларидаги чалқашликлар, ноқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйилди.

Иззат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» мухбири

Меҳнат муҳофазаси

Фалокат оёқ остида, дейдилар. «Қогонтемирўйли-шооттамир» корхонасида рўй берган бахтсиз ҳодиса жамоага худди кўтилмаганда чакмок ургандек таъсир этади. Ташкилотчи раҳбарлардан бири Эркин Тўхтаев ва дарадгор уста Хусан Тиллаевларнинг 2003 йил 2 июл кунинда содир бўлган бахтсиз ҳодиса туфайли воқеа жойида вафот этганлиги барча учун қайғули кечди.

Кўтилмаган бахтсиз ҳодиса кексаю ёш, жамоанинг барча аъзоларини эйрақлик ва хўшёрлик билан иш юритишга ундади. Меҳнат муҳофазаси ҳамда техника хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини қучайтириш, бу масалаларга доимий эътибор қаратиш лозимлигини теран ҳис этдик. Пухта ишлаб чиқилган тадбирлар асосида фаолият юритиш эвазига корхонада меҳнат мароми яна изга тушди, - дейди техника хавфсизлиги муҳандиси Роза Калинина.

Биз борган кўни Роза опа «Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги хонаси»да Учқудук йўналишидаги йўлда ишлашга ошқабатган Раҳим Мухаммадиев ва Фўқат Файзиёв бошчилигидаги бригадада ишчилари билан техника хавфсизлиги юзасидан галдаги ўқув машғулотларини олиб бораётган экан. Машғулотларни қузатар эканмиш, ҳамроҳимиз - корхона раҳбари Эркин Мардон шундай изох берди:

Чиндан ҳам камчиликларни бартараф этиш йўлида қисқа вақт ичида кенг қўламадаги ишларни амалга оширишга эришидик. Бунда касабаси уюшма билан имзолаган жамоа шартномаси муҳим рол ўйнади. Шу боис ҳам ишда бирмунча муваффақиятларни қўлга киритганимиз.

Жамоамиз зиммасига 600 километр узунликдаги темирўйличлар ишлаётган ва яшаётган объектларни ижтимоий рив-

ИНСОН

вожини таъминлаш вазифаси юклатилган. Бу муҳим иш аъло даражада удаллаб келинмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган вақти мобайнида белгиланган режани ошиги билан удаллашга мўяссар бўлдик.

Ҳа, маъмурият ва касабаси уюшма билан ишчилик бўлган интилиши, яғна эзгу мақсад йўлидаги савий-ҳаракати, изланишлари зов кетмади. Яратилган астойдил меҳнат қилаётган кўлайликларга жавобан Ҳошим Аҳмедов, Бешиқ Бозоров, Шўхрат Рустамов, Фўлом Камолов, Самад Аҳмедов, Жамшид Азимов, Бўстон Икромов, Яраш Турсунов, Дилмурод Мақсудов сингари қурувчи, ҳайдовчи ва қўлгул усталар меҳнатда юқори самардорликка эришмоқдалар.

Махсус кийим-кечаклардан тортиб, иссиқ овқатларга, сут-қатқик маҳсулотларига байрамларда берилмайдиган қимматли совғаларга, ҳаммаси жамоа шартномасида акс этган. Ойлик маош ва муқофот пулларимиз ўз вақтида тўланмоқда. Хўллаб, бировдан

АЗИЗ

дам уюштирилди. Буни маъмурият ва касабаси уюшма ҳамкорлигининг амалий ифодаси, дейиш мумкин.

Бозор иқтисоди шароитида қўл қовуштириб ўтириб бўлмайди. Янгиликларнинг жорий этиши, улардан омилиқлик билан фойдаланиш, янги иш ўринлари яратиш лозим. Бу йўналишда ҳам корхонада муайян ишлар амалга оширилляпти. Жумладан, ёрдамчи хўжаликда етиштирилган кишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишчи-хизматчи, муҳандис-техник ходимларга бозордагидан анча арзон нарҳда етказиб берилмоқда. Шунингдек, корхона тасарруфидида тош кесиш, оҳақ куйдириш, гипс ишлаб чиқариш цехлари ишлаб турибди. Янгидан ўзлаштирилган гипс-тош конларининг ўзидида маҳсулотни қайта ишловчи хориж технологиясини ўрнатили юзасидан ҳам чет эл сармоадорлари билан мулоқот олиб борилаётганлиги ўз самарасини бериши турган гап.

У.НАВРЎЗОВ

«Меҳр ва мурувват йили» Дастури асосида фўқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларида ҳам бирмунча ишлар амалга оширилди. Айниқса, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, 16 (18) ёшгача фарзандлари бор оилаларга ва 2 ёшгача болали ишланмайдиган оилаларга нафақа бериш, ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексаларни озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш доимий эътиборда бўлмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида 16 (18) ёшли болали 120 минг 551 оилга 5 миллиард 123 миллион 802 минг, 2 ёшгача фарзандлари бўлган 21 минг 253 та оилга 2 миллиард 928 миллион сўмдан маблағ молиялаштирилган ва тўлиқ тўланган. Туман ва шаҳар ҳокимликларининг қарори билан кам таъминланган оилаларга 407 миллион 197 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилган. Яққалғиз кексаларга эса 54 миллион 552 минг сўм маблағ ажратилган.

Солиқ ва бошқа манбалардан келган тушумдан шаклланган бюджет маблағларни пенсия ва нафақалар, стипендия, уқитувчилар, тиббиёт ходимлари, давлат муассасалари ходимлари иш ҳақлари ва бошқа мақсадларга сарфланади. Шунинг учун ҳам давлат

маблағларидан фойдаланиш қатъий назоратга олинган. Ўтказилган текшириш ва мониторинглар бу соҳада баъзи камчиликлар мавжуд:

Ҳисобиди дўст айрилмас, - дейди Беруний тумани молия бўлимининг мудир Рўслан Жумагулов. - Бола тарбияси билан машғул бўлган ишланмайдиган оилаларнинг нафақаси учун Халқ банкидаги ҳисоб рақамларига 335 миллион 853 минг сўм ўтказилди ва 3025 та оилга етказилди.

НАШАҚА НОҚОНУНИЙ ТАЙИНЛАНГАН

лар тўлиқ бўлмаса-да, 3808 сўм, Амир Темури номили маҳалладан Зе-вар Рўзимотовага 7616 сўм, устам-уст 2 марта нотўғри нафақа тўлаб юборилган. Фўқаро Амина Ваноева фарзанди икки ёшдан ўтганига қарамасдан сўнгги икки ойда нафақа олган.

Давлат ҳисобидан хотамтойлик қилаётган мутасадди раҳбарлар Ке-

тўлгунга қадар уни парваришлаш учун банд бўлган, ишланмайдиган оилаларга 2 ҳолатда 97920 сўм ва кам таъминланган оилаларга 24480 сўм, жами 122400 сўм нотўғри нафақа тайинлашига йўл қўйилган. «Нойқуд» фўқаролар йиғинида ҳам вояга етмаган боласи бор оилаларга Низом талабларига риоя қилинмасдан нафақа тайинланган. Жиддий

Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири

(Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида доир сайлов бюллетени ва сайлов varaқаси намуналарини тасдиқлаш тўғрисида

матбаа ташкилоти сайлов бюллетенлари ва сайлов varaқаларининг яроқли ёки яроқсизлигини текширади ҳамда уларни сайлов бюллетенлари ва сайлов varaқаларини олиш ваколатига эга бўлган, уларни тайёрлаш учун бюртма берган округ сайлов комиссияси аъзоларига далолатнома асосида топширади, далолатномада унинг тузилган сано ва вақти, шунингдек, топширилаётган сайлов бюллетенлари ҳамда сайлов varaқаларининг сони кўрсатилади. Бюртмага мувофиқ микдордаги сайлов бюллетенлари ва сайлов varaқалари топширилгандан кейин матбаа ташкилоти ходимлари яроқсиз деб топилган ва ортиқча сайлов бюллетенлари ҳамда сайлов varaқаларини дарҳол йўқ қилди ва бу ҳақда далолатнома тузади, далолатнома барча ҳозир бўлганлар томонидан имзоланади.

участка буйича сайловчиларнинг рўйхати киритилган сайловчилар сонидан ярим фоиздан кўп бўлиши мумкин эмас; сайлов бюллетенининг ўнг томони юқори бурчага участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади; хар бир рўйхатга олинган номзод тўғрисидаги маълумотларнинг ўнг томонига бўш катакчалар жойлаштирилади; хар бир сайлов бюллетенида уни тўлдириш тартиби тўғрисида тушунтириш бўлиши керак; овоз бериш тугагач, сайлов қўтиларини очишдан олдин участка сайлов комиссияларининг аъзолари ҳозирлигида сайлов varaқалари солинган ёпиқ конвертлар қўтиларга ташланади. Фойдаланилмаган барча сайлов бюллетенлари участка сайлов комиссияси томонидан санаб чиқилади ва бекор қилинади.

дан округ сайлов комиссиясидан олинмаган сайлов varaқаларининг сони, қоида тариқасида, сайлов участкаси буйича сайловчиларнинг рўйхати киритилган сайловчилар сонининг ярим фоиздан кўп бўлиши мумкин эмас; сайлов varaқасининг ўнг томони юқори бурчага участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади; овоз бериш тугагач фойдаланилмаган барча сайлов varaқалари участка сайлов комиссияси томонидан санаб чиқи-

лади ва бекор қилинади. 5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари 2004 йилнинг 1 декабрдан кечиктирмасдан Марказий сайлов комиссиясининг тегишли сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати билан тасдиқланади.

Марказий сайлов комиссиясининг Раиси: Ташкент шаҳри, 2004 йил 20 ноябр.

лигига номзодни рўйхатга олиш буйича қарорига биноан Марказий сайлов комиссияси тасдиқлаган намунага мувофиқ сайлов бюллетенлари ва сайлов varaқаларининг матнларини тасдиқлаш, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ уларнинг чоп этилиши лозим бўлган микдорини белгиласинлар. 6. Округ сайлов комиссиялари участка сайлов комиссияларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида доир сайлов varaқалари билан 2004 йилнинг 11 декабрига қадар, сайлов бюллетенлари билан 2004 йилнинг 23 декабрига қадар тазминлашни ташкил этсинлар. 7. Округ сайлов комиссияси томонидан участка сайлов комиссиясига сайлов бюллетенлари ва сайлов varaқаларини топшириш далолатномасининг намунаси тасдиқланади. 8. Ушбу қарорнинг бажарилишини ташкил этиш Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари С. Хўжаева зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати сайловида доир САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ (имзо) (имзо) 1-илова

Table with 2 columns: Candidate name and party affiliation. Includes candidates like Антонов Михаил Михайлович, Ботиров Турсун Пўлатович, Расулов Ботир Фуломович, Умаров Ўқтам Рўзиевич, Фозилов Маҳмуд Маҳқамович, Янгибоева Шахло Рустамовна.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати сайловида доир САЙЛОВ VARAҚАСИ (имзо) (имзо) 2-илова

